



ЁМГИРНИ УШЛАБ БЎЛАДИ (МИ?)

ёхуд ёгинлар сувини йиғиш орқали
Қашқадарёда қўшимча 91 миллион
800 минг тонна сув захираси яратиш
мумкинлиги ҳақида

3-саҳифада ўқинг...

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида «Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари» шиори остида байрам тадбирлари ташкил этилди.



Уларда Меҳрибонлик уйлари ва Оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, хизмат вазифини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари, чин етим ва эҳтиёжманд оилалар ўғил-қизларининг кўнгиллари кўтарилди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон

касба уюшмалари саройида ўтказилган тантанали тадбирга Тошкент шаҳридаги 22- ва 30-Меҳрибонлик уйлари ҳамда SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари Тошкент филиалида тарбияланган ўғил-қизлар, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги Оилавий болалар уйлари ўғил-қизлари – жами 500 нафар кичкинтойлар тақлиф этилди. Мўхташам саройида болажонлар

САНА


ҳарбий оркестр ва миллий мусиқа жамоалари ижросидаги куйлар садоси остида байрамона кутиб олинди. Ёш авлод вакилларига пешвоз чиққан турли эртақ қаҳрамонлари иштирокида ташкил этилган маданий тадбир эса болажонлар қувончига қувонч қўшди. Сарой фойсисда ўғил-қизлар турли ширинликлар ва салқин ичимликлар билан меҳмон қилинди.

Шундан сўнг болажонлар учун Ўзбекистон касабалар уюшмалари саройи қошидаги «Қалдирғоч» болалар санъат маркази ўқувчилари иштирокида Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр», яъни «Қуш тили» достони асосида саҳналаштирилган «Семурғ ҳақида афсона» номли мусиқали спектакль намойиш этилди.

Касба уюшмалари саройи ижодкорлари саҳналаштирган бу спектакль орқали кўплаб тарбиявий ғоялар илғари сурилган. Ҳозирги кунда ҳам ёшлар тарбиясида долзарб аҳамиятга эга бўлган интилувчанлик ва қалб гузаллиги, саҳий ва меҳрибон бўлиш олий фазилатлар эканлиги, эзгуликнинг ёвузлик устидан доимо ғалаба қозониши таранум этилган. Шу босиш спектакль болажонларда катта таассурот қолдирди.

Спектаклдан сўнг болалар Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бўлишди. У ерда байрам дастурхонига тақлиф этилиб, маданий тадбирда ҳам иштирок этишди. Ушбу маскан бўйлаб уюштирилган саёҳат чоғида эса Миллий гвардия фахрий қоровул қўшинларининг ҳарбий оркестр ва отлик аскарларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Мўҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабалар
уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати
раҳбари



ИШДАН БЎШАДИМ, ЭНДИ АЛИМЕНТ НИМА БЎЛАДИ?

3-саҳифада ўқинг...

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшайётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК УЧУН

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун устувор вазибалардан бири ҳисобланади. Иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг камайиши, ҳаво ва сув ифлосланиши, шунингдек, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби глобал муаммолар инсониятни жиддий таҳликага солмоқда. Бундай муҳим масалаларга бағишлаб Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида «Экологик хавфсизлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар



«Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» ҳамда касабалар уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда экологик муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, экомаданиятни шакллантириш, қолаверса, олимлар, мутахассислар ва ёшлар томонидан экологик хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган инновацион ечим-

лар, илғор технологиялар ва амалий чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Экологик муаммоларнинг олдини олиш, бу мавзуга ёшларни кенгроқ жалб этиш бўйича тақлифлар билдирилди.

– Эҳтиёткорона муносабатда бўлмаганимиз сабабли табиат мувозанати йўқолди. Оролни йўқотдик, ҳаво ифлосланиши, ҳароратнинг кескин кўтарилиши, ҳайвонларнинг камайиб кетиши, чиқиндиларнинг кўпайиши каби кўплаб муаммолар вужудга келди. Уларнинг олдини олиш учун эса давлат ва жамият биргаликда ҳаракат қилиши лозим, – деди Ўзбекистон Экологик партияси раҳбари Абдушукр Ҳамзаев.

Конференция доирасида касабачиликнинг вужудга келиш тарихи, босиб ўтган узоқ йиллик йўли ҳақида ёшларга маълумотлар берилди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИДАГИ ПУЛЛИ «ПАРКОВКА»

Улар қонунларимизга қанчалик мос ва улардан тушган маблағлар қаерга сарфланади?

4-саҳифада ўқинг...

УНУТИЛМАС ОНЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

«Геолог» оромгоҳида Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабалар уюшмаси Республика кенгаши томонидан касабалар уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан «Тармоқ ходимлари касабалар уюшмаси Республика кенгаши ҳафталиги» доирасида қатор тадбир ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда 100 нафарга яқин

ёшлар ва меҳнаткашлар, жумладан, сартарош, официант, иш жойида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган ишчи-ходимларнинг оила аъзолари «Энг ёш касб эгаси» ва «Устоз – шоғирд» анъаналари, «Официант» кўрик-танловлари ҳамда республика кенгаши спартакиада-сида фаол иштирок этишди. Бу жараёнда ёшларни касб-ҳунарга қизиқтириш, касабалар уюшмалари фаолиятини кенг тарғиб этиш,

устоз – шоғирд анъаналарини қадрлаш, бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган ишчи-ходимларнинг оила аъзоларини эътибордан четда қолдирмаслик каби жиҳатлар ўз ифодасини топди.

– 25 йил тармоқ касабалар уюшмалари тизимида меҳнат қилдим. Лекин ҳозир ҳам «Ёшинг ўтди, пенсионерсан», деб мени четга суриб қўйишгани йўқ. Ушбу тадбирларда ҳам ёш ходимларга тажрибала-

римни ўргатдим, – дейди 84 ёшли Рўзимурод Шокиров.

Ҳафталик нафақат ёшлар, балки доимий меҳнат билан банд, ўзига вақт тополмаган меҳнаткашлар учун ҳам унутилмас онларга бой бўлди. Юқори савияда ўтказилган спартакиадалар, профессионал ошпазлар ёрдамида ёшлар тайёрлаган овқатлар, гузал гушаларда завқли ўтказилган тадбир ҳаммага ёқди.

Ўз мухбиримиз

МАҚСУД САИДОВ ЎЗ ЎРНИДА ҚОЛДИ

■ ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция аввалида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ходими Жасур Жўрабоев ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева сўзга чиқиб, касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик тарихи, тизимда меҳнатқашлар манфаатларини ифодалаш борасида олиб борилган ишлар, тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўлида амалга оширилган ислохотлар, ушбу йўналишларда фаолият кўрсатаётган ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Шундан сўнг бирлашган қўмитанинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазифалар таҳлил қилинди. Бу борада бирлашган қўмита раиси Мақсуд Саидовнинг ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, ўтган даврда 142 та ташкилот сафга қўшилди. Аъзолар 2021 йилда 15863 нафарни ташкил этган бўлса, 2024 йил охирига келиб 32226 нафарга етди. Жорий йилнинг февраль-апрель ойларида 283 та бошланғич ташкилотда ўтказилган ҳисобот-сайловларда 75 нафар етакчи биринчи бор сайланди.

Жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши учун сарфланган харажатлар 2021 йилда ҳар бир ходимга 3 млн. 846

минг сўмданга тўғри келган бўлса, 2024 йилда 5 млн. 126 минг сўмни ташкил этди. Жумладан, 120 нафар пенсия ёшидаги шахсга 113 миллион сўмга яқин бир йўла моддий ёрдам берилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди. 77 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан 78 миллион сўмдан зиёд қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. 504 нафар ишламайдиган пенсионер (ташкilotларнинг собиқ ходимлари)га 155 миллион сўмдан зиёд, 131 нафар ногиронлиги бўлган шахсга байрамлар арафасида 103 миллион сўмдан зиёд, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун 13 нафар ёш онага 7 миллион сўмга яқин моддий кўмак берилди.

257 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди. Аъзоларнинг 228 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олдирилди. 365 нафар ходим меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилди. Иш берувчи томо-

нидан 27031 нафар ходим тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шунингдек, 3537 нафар ходим вилоятдаги муқаддас қадамжоларга, 1049 нафар ходим республикадаги тарихий шаҳарларга саёҳат қилди. 22 та спорт мусобақасига 3600 нафардан зиёд ходимлар жалб этилди. 550 нафар ходим театрларда спектакллар ва концертлар томоша қилиб, мароқли дам олишди.

Ўтган давр мобайнида тизимдаги ташкилот ва муассасалар ходимларидан келиб тушган 137 та ёзма ва 24 та оғзаки мурожаат қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Ҳисоботда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил қилинди. Олдинда турган долзарб вазифалар айтиб ўтилди. Жумладан, ходимларнинг иш шaroитларини яхшилаш, маиший ва санитария хоналарини етарли даражада жиҳозлашда, аёллар гигиена хоналари ташкил қилишда касаба уюшмалари қўмиталари талабчан бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Маданий-маърифий ва спорт ишларига кўпроқ эътибор қаратиш, аъзоларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш тадбирларини кучайтириш кераклиги айтилди.

Конференцияда, шунингдек, бирлашган қўмита тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди ва маъқулланди. Навбатдаги масала – бирлашган қўмита раисини сайлашга бағишланди. Делегатлар ушбу лавозимга уч номзодни таклиф қилдилар. Ёпиқ овоз бериш натижаларига кўра, Мақсуд Саидов раисликка қайта сайланди.

Кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Риштон тумани ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида номзодларни сайлаш муқобиллик асосида ўтказилди. Бу ҳар жиҳатдан муносиб раис сайланишига хизмат қилди.

ЕТАКЧИГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Дастлаб делегатлар етакчи ва тафтиш комиссияси ҳисоботларини тингладилар.

Айтиш керакки, Эркинжон Абдуллаев кўп йиллардан буён Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Риштон тумани ташкилотининг раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Шу боис ҳар бир аъзони яхши билади. Ўз навбатида, ишчи-ходимлар ҳам унга ишонишади.

Таъкидланганидек, ўтган йиллар давомида 308 нафар таълим ходими тасарруфдаги сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Кўмакка эҳтиёж сезган 3 минг 234 нафар фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида ходимлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Жива каби тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб борилди. Бундан ташқари, касаба уюшма етакчиси низоли ҳолатларда ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Етакчининг беш йиллик фаолиятига делегатлар ижобий баҳо беришди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда жамоа Эркинжон Абдуллаевга яна бир бор ишонч билдирди. Шу асно кун тартибидagi масалалар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



МУҲОКАМАЛАРГА БОЙ ТАРЗДА

Темурийлар тарихи давлат музейида Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилотнинг 2021 йил февраль ойидан 2025 йил май ойигача бўлган даврдаги фаолияти юзасидан бирлашган қўмита раиси Дилфуза Исмоилованинг ҳисоботи тингланди. Тафтиш комиссияси раисининг маърузаси ҳам тингланиб, маъқулланди.

Муҳокамаalarda сўзга чиққан делегатлар аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг дам олишини ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашни таъминлаш ва меҳнат муҳофазаси борасида ҳам қатор ютуқларга эришилаётганини қайд этиб, ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Бирлашган қўмита фаолиятига қониқарли баҳо беришди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раиси Дилфуза Исмоиловага яна келгуси беш йил учун ишонч билдирилди.

Шунингдек, конференцияда делегатлар томонидан юқори касаба уюшмалари органлари Қурултойи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши конференциясига делегатлар ҳамда Республика кенгашига вакиллар сайланди.

– Бугунги конференция жонга ва муҳокамаларга бой тарзда ўтди, – дейди «Тошкент шаҳар сув таъминоти» АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси, делегат Нигмон Шамшиев. – Ҳисобот давридаги фаолиятни тинглаб, ходимлар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштириш, аъзолар сонини кўпайтириш борасида амалга оширилган қатор чора-тадбирларни муҳокамаalarda алоҳида эътироф этдик.

Конференцияда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳамедов сўзга чиқиб, бирлашган қўмита томонидан олиб борилган ишлар таҳсинга сазовор эканлигини айтиб ўтди. Касаба уюшмаларининг 120 йиллигини муносиб ўтказиш учун кўрилайётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритди.

Комила
БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда 2020–2025 йиллар давомидаги фаолият атрофида муҳокама қилинди ва навбатдаги беш йиллик вазифалари белгилаб олинди.

ИСЛОХОТЛАР ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Таъкидланганидек, кенгаш ҳисобот даврида ижтимоий шериклики мустаҳкамлаш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирларни амалга оширди. Масалан, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 5 874 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилди. 42 та ташкилотда «Касаба уюшма бурчаги» ва «Меҳнат муҳофазаси бурчаги» ташкил қилинди. 662 нафар хизматчи ва уларнинг оила аъзолари тасарруфдаги санаторий-

ларда дам олиб қайтишди. Шунингдек, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказилди. Уларда 6 500 нафар ходимнинг иштироки таъминланди.

Конференцияда Доно Мирзааҳмедова касаба уюшмаси туман кенгаши раиси этиб сайланди. Шу асно кенгашнинг 20 нафар янги аъзоси, тафтиш комиссияси ва Тошкент шаҳар кенгаши конференциясига делегатлар тасдиқланди.

Раъно МАҲҚАМОВА
«ISHONCH»

ФИДОЙИЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда таълим соҳаси ходимлари учун муносиб шaroитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараёнда касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Масалага шу жиҳатдан қараганда, Миробод туманидаги мактабгача ва умумтаълим муассасаларида ҳам касаба уюшмалари томонидан диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Миробод тумани ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида 2021-2025 йиллардаги фаолият натижалари ва навбатдаги вазифалар таҳлил қилинди. Бу борада кенгаш раиси Назира Насретдинованинг ҳисоботи тингланди. 59 та бошланғич ташкилотига 4115 нафар аъзони бирлаштирган кенгаш фаолиятида жамоа шартномалари муҳим ўрин тутди. Улар асосида меҳнат ва дам олиш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий ёрдам, тиббий кўрик ва соғломлаштириш масалалари ҳуқуқий асосда ҳал қилинмоқда. Масалан, агар 2020 йилда ҳар бир ходимга тўғри келган моддий ёрдам 968,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 1 млн. 934 минг сўмга етди. Ҳисобот даврида жамоа шартномалари асосида кам таъминланган оилаларга 653 млн. 161 минг сўм, маданий тадбирларга 1 млрд. 349 млн. 292 минг сўм, спорт мусобақаларига 163 млн. 807 минг сўм, моддий рағбат учун 167 млн. 198 минг сўм, санаторий ва болалар оромгоҳларига йўланмаларга эса 1 млрд. 445 млн. 852 минг сўм ажратилди.

Таълим муассасаларида меҳнат қонунчилиги бузилган 18 та ҳолатда ходимлар касаба уюшмаси кўмагида ўз ҳуқуқларини тиклашди. Хо-



Диёр ҒАНИЕВ олган сурат

тин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолияти доирасида эса ҳомилдор ва болали аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланди. Жумладан,

300 нафар аёлга қулай иш жадвали яратилди, 120 нафар эмизикли аёлга иш ҳақи сақланган танлаб берилди. 4 нафар аёлга бепул санаторий йўланмаси, кам таъминланган оилалар фарзандларига эса болалар оромгоҳи учун 3 та бепул йўланма топширилди.

Фаолиятда маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Театр, музейларга ташрифлар, маънавий-маърифий саёҳатлар йўлга қўйилган. 2021-2025 йиллар давомида бундай тадбирларда 14 345 нафар ходим ва уларнинг фарзандлари иштирок этган. Шунингдек, «Маърифат соатлари» мунтазам ўтказилиб, янги қонун ва фармонлар, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти мақсад ва вазифалари ўқитувчилар ва тарбиячиларга тушунтирилмоқда.

Конференцияда ташкилотнинг сўнги беш йиллик фаолияти кенг муҳокама қилинди. Иш шaroитларини яхшилаш, дам олиш шaroитларини кўпайтириш, санаторий ва дам олиш масканларига йўланмалар сонини ошириш ҳақидаги таклифлар илгари сурилди.

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам эшитилиб, маъқулланди. Шундан сўнг кенгаш раисини сайлаш жараёни бошланди. Яширин овоз бериш натижасига кўра, ушбу лавозимга Назира Насретдинова қайта сайланди.

Илгиллигида кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»



ТАЖРИБА ВА САМАРА

Қашқадарё вилоятининг шароити оғир ҳудудлардан ҳисобланадиган Деҳқонобод туманида яшайдиган 160 минг нафардан зиёд аҳолининг аксарияти чорвачилик билан шуғулланади. Коврак ўсимлигини маданийлаштириш, етиштириш орқали даромад кўриш имкони яратилгач, аҳоли орасида ушбу ўсимлик парваришига қизиқиш қолганлар кўпайди.

ЁМҒИРНИ УШЛАБ БЎЛАДИ (МИ?)

ёхуд ёғинлар сувини йиғиш орқали
Қашқадарёда қўшимча 91 миллион 800 минг тонна
сув захираси яратиш мумкинлиги ҳақида

натижасида кўчатлар ҳам тез фурсатларда экишга тайёр ҳолга келиб қолди. Донасини 2 минг сўмдан пуллаяпмиз. Бир сирни айтсам, шу кўчатлар экилган майдон бир сотихдан сал зиёд чиқади. Лекин даромадини пулга чақсангиз, 100 миллион сўм бўлади. Тўғри, меҳнатсиз фаровонликка эришиб бўлмайди. Аммо шу ёмғир сувлари захирасини қилганимиз натижасида меҳнатимизнинг самарасини кўпроқ кўряпмиз. Коврак ўсимлиги ости доим нам бўлиб туриши керак. Айниқса, апрель ва май ойлари ўсимлигининг ривожланиш палласига тўғри келади. Шу икки ой давомида сувни меъёри пасайтирилмаса, қутилган ҳолини зиёдаси билан олиш мумкин. Дарвоқе, бу йилдан бодомлар ҳам бирин-кетин ҳосилга кирмоқда.



Кудрат Солиев баҳор ойларидаги ёғингарчиликда 70 тонналик ҳовузига пешма-пеш ишлатиш ҳисобига, ўртача 150 тонна сув жамғаради. Бу кўрсаткични тахлил қилиб кўрсак ва вилоятда 612 минг томорқа хўжалиги мавжудлигини инобатга олсак, ҳар бир хонадонда шундай ҳовузлар барпо этилиши натижасида биргина Қашқадарё вилоятининг ўзиде 91 миллион 800 минг тонна сув захираси яратилади. Бу сув билан эса қишлоқ жойларда томорқа маданиятини юксалтириш, бир қарич ерни ҳам даромад манбаига айлантириш имкони юзага келади. Бу орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам юқори натижаларга эришилади.

Бирок шу ўринда бир савол туғилади. Бу тажрибани оммалаштиришнинг имкони борми? Ҳар бир томорқа хўжалиги эгаси 50-70 миллион сўм маблағ сарфлаб, ушбу ҳовузларни қуриб, замонавий монтаж ишларини амалга ошира оладими?

– Қишлоғимизда кўпчилик ҳовуз курсам деб интиляпти-ю, лекин пули сал камлик қилапти, – дейди маҳалла кайвониларидан бири Абдурасул Раҳимов. – Мамлакатимизда томорқачиликни ривожлантириш учун турли субсидия ва имтиёзли кредитлар мавжуд. Ҳатто артезиан қудуқлари қазига ҳам имкон бериляпти. Лекин табиий ёмғир сувини йиғиш учун ҳовуз қуралик, десангиз, на кредит ажратишда, на субсидия беришда. Ахир, бу экологияга зарар етказмайди. Атроф-муҳитга салбий таъсир этмайди. Аҳолига қулай шароитлар яратиш ҳақида гап кетганда, бизга ўшаган лалмикор ерларда, ерости сувларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳудудлар ҳолати ҳам ҳисобга олинса, яхши бўларди.

– Ер юзиде глобал иқлим ўзгариши кузатилмоқда, бу эса турли экологик муаммоларни юзага келтирмоқда, – дейди Ўзбекистон экологик партиясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Носиржон Ҳалимов. – Ана шундай жиддий муаммолардан бири сув тақчиллигидир. Бугун Деҳқонобод туманида ёмғир сувларидан захира яратиш ишлари бошланган бизни қувонтиради. Ҳақиқатан, аҳолида қизиқиш юқори. Биз партияимиз марказий кенгаши билан келишган ҳолда Деҳқонобод тажрибасини оммалаштириш, бу борада аҳолига қатор имтиёзлар яратишни кўзда тутувчи таклиф ишлаб чиқмоқдамиз. Айни пайтда бу нафақат Қашқадарё ҳудудида самара беради, балки республикамиз миқёсида қишлоқ хўжалигига йўналтирилган сувнинг барқарор таъминланишига эришилади. Аҳолининг даромадлари ошади, деҳқончилик муҳити янада жонланади.

Айни пайтда Чироқчи, Кўкдала, Ғузор туманларида ҳам ёмғир сувларини йиғиш билан боғлиқ Деҳқонобод тажрибасини қўллаш назарда тутилган.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

«ISHONCH»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 3 майдаги сониде «Масъуллар неге сукут сақлашмоқда?» сарлавхали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга Хоразм вилояти ҳокимлиги қуйидаги мазмунда жавоб берди.

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ, РЕЖАГА МУВОФИҚ ТАЪМИРЛАНАДИ

2024 йилда Богот тумани бўйича қабул қилинган тегишли дастурларга мувофиқ автомобиль йўлларида 29,8 миллиард сўмлик маблағлар ҳисобидан жами 59 километр йўл таъмирланди. Шундан 27 километри асфальт қилинди. 32,2 километрлик ички йўллар қайта таъмирланди. 0,8 километр йўлга шағал ётқизилди. Шунингдек, «Опен бюджет» лойиҳаси асосида 14,7 километр йўл таъмирланди. Натижада 22 та МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи 30 мингдан ортиқ аҳолига қулай шарт-шароитлар яратилди. Бундан

ташқари, 58 километр узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Жорий йил Богот туманидаги 130 километр узунликдаги йўлларида таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, мақолада келтирилган автомобиль йўли ҳам босқичма-босқич, режага мувофиқ таъмирланади.

Хоразм вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари О.АДАМБОЕВ

Таҳририятдан: Газетамизда эълон қилинган «Масъуллар неге сукут сақлашмоқда?» сарлавхали мақолада аниқ манзил ва реал камчиликлар ҳақида сўз борганди. Бундан олдин ҳам бир неча бор қаламга олинган ушбу масалани мутасаддилар шунчаки эътиборсиз қолдиришганди. Бунисига эса хўжакурсин учун, умумий жавоб берибди. «Режага мувофиқ, босқичма-босқич таъмирланади» деган гапдан сезилиб турибдики, мақолада сўз борган маҳалладаги камчиликлар ҳаливери ҳал этиладиганга ўхшамайди. Вилоят масъулларига эса «Таҳририятга қуруқ ҳисобот учун юборган муносабатингиздан ҳеч кимга ҳеч қандай наф йўқ, ундан кўра, ўша жойга бориб, аҳоли билан гаплашинг, уларга вазиятни тушунтиринг», дегимиз келди.

Бирок деҳқонларни бир муаммо қийнайди. У ҳам бўлса, – оқова сувнинг йўқлиги. «Излаган имкон топар» деганларидек, деҳқонободликлар бунинг ҳам удрасидан чиқишди. Энди улар томорқанинг бир бурчагида кичикроқ ҳовуз қуриб, уни бетонлаб, ёмғир сувларидан захира тўплашмоқда. Технология жуда оддий. Томнинг тарновига пластик қувурлар ўрнатилади, ёмғир-қор сувлари пластик қувур орқали ҳовузга йиғилади. Ҳовуздан махсус электр насос орқали томчилатиб ва ёмғирлатиб сўғориш услуби билан экин майдонларига йўналтирилади.

Туманнинг Қодир бахши Раҳимов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бу тажриба кенг оммалашмоқда. Бир вақтлар чорва туғенини санаб ўтган қишлоқ аҳли бугун коврак етиштиришда етакчиликни бой бермаётир. Муҳими, – уларда етарлича сув захираси мавжуд.

– Дастлаб 15 та хонадонда синов тариқасида ёмғир сувлари захираси йиғилди, – дейди маҳалла раиси Абдусалим Эгамшукуров. – Натижа ёмон бўлмади. Бир мавсум давомида ҳар бир ҳовузда 100-150 тоннагача сув жамғарилди. Томорқалар обод бўлиб, аҳоли даромади сезиларли ошди. Коврак ўсимлиги экиб, яхшигина фойда олишяпти. Бирни қуриб шукр, бирни қуриб фикр қил, деган гап бор-ку. 15 та хонадон яшаш тарзининг кескин ўзгаргани бошқаларни ҳам фикрлашга, замонага мослашишга ундаяпти. Бугун ҳовуз қуриб, Худодан ёмғир сўрайдиغانлар сони ортиб борапти.

Дарҳақиқат, Деҳқонобод шароитида коврак ўсимлиги яхши ривожланади. Ундан олиннадиган махсус воситалар эса халқро бозорда қиммат нархларда сотилади. Асосан тиббиётда фойдаланишга мўлжалланган коврак шираси дашт одамларига фаровонлик бахш этади. Фақат шароитни инобатга олиб, сув захираларини яратишса, кўплаб муаммолар ечим топиши турган гап.

– 40 сотих томорқам бор, – дейди Қодир бахши Раҳимов номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Қудрат Солиев. – 2017 йилда томорқанинг бир қисмига коврак эким. Йилдан йилга кўпайтириб, 40 сотихлик майдоннинг ҳаммасини ковракзорга айлантирдим. Утган йили Марғилондан 300 туп бодом кўчати олиб келиб эким. 70 миллион сўм сарфлаб, ёмғир сувларини йиғиш мақсадида 70 тонналик ҳовуз қурдик, томчилатиб ва ёмғирлатиб сўғориш монтаж ишларини амалга оширдик. Сувни обихаёт деб бежиз айтишмаган экан. Томорқамиз сув сабаб яшнаб турибди. Утган йили 200 миллион сўм даромад олдик. Бу йили эса ундан ҳам кўпроғига умидвор бўлиб турибмиз. Айни пайтда 50 минг туп коврак ўсимлиги кўчатини тайёрлаб қўйибмиз. Ёмғирлатиб сўғориш

Сўранг, жавоб берамиз...

ИШДАН БЎШАДИМ, ЭНДИ АЛИМЕНТ НИМА БЎЛАДИ?


САВОЛ: Аёлим билан ажрашганман. Икки нафар фарзандим учун алимент тўлайман. Яқинда ишдан бўшаб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтдим. Энди алимент миқдориде ўзгариш бўладими?

Тошкент шаҳри Эркабек ПОЛВОНОВ

ЖАВОБ: Йўқ, иш жойингиз ёки меҳнат фаолиятингиз ўзгаргани сизни алимент тўлашдан озод қилмайди, миқдорига ҳам таъсири йўқ. Чунки амалдаги қонунчилигимизда алимент миқдорини тўловчининг меҳнат фаолият тури, соҳаси ёки мансаби каби хусусиятларга қараб белгилаш кўзда тутилмаган. Хусусан, Оила кодексига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, алимент суд томонидан тайинланиб, бир нафар бола учун – ойлик маошнинг тўртдан бир, икки нафар бола учун – учдан бир, уч ва ундан ортиқ бола учун эса, ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде ундирилади. Алимент миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий шароитини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, кўпай-

тирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Муҳими, алимент миқдори энг кам иш ҳақининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Агар, зиммасига алимент тўлаш вазифаси юклатилган ота ёки онанинг иш даромади ўзгариб турса ёки алимент ундириш имконияти бўлмай қолса, ҳар ой учун қатъий сумма белгиланиши мумкин. Алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади. Даромад чет эл валютасида олиннадиган бўлса, ундириладиган алимент миқдори Марказий банкнинг ўша кунги расмий курси бўйича сўмда ҳисобланади.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



ОЛАМДА БУГУН

НАВРОЦКИЙ – ПОЛЬША ПРЕЗИДЕНТИ

Польшада бўлиб ўтган президент сайловларининг иккинчи босқичида ўнг миллатчи Кароль Навроцкий ғалаба қозонди. У Европа тарафдори бўлган номзод Рафал Тшасковскийни орта қолдирди. Польша Давлат сайлов комиссияси маълумотларига кўра, Навроцкий 50,89, Тшасковский эса 49,11 фоиз овоз тўплаган. Натижалар 2 июнь тонгида эълон қилинди.

Навроцкий ғалабаси бош вазир Дональд Туск ва унинг либерал-консерватив ҳукумати позицияларига жиддий зарба берди. AFP агентлигининг таъкидлашича, агар Тшасковский ғалаба қозонганда, у аввалги президент Анджеј Дуда тўсқинлик қилган сиёсий ислохотларга янги суръат бериши мумкин эди. «Хуқуқ ва адолат» партияси томонидан қўллаб-қувватланган Кароль Навроцкий ўз кампаниясини «Энг аввало –

Польша» шиори остида бошлаб, украинлик қочқинларни «Польша ҳисобидан бойишда» айблаб, танқид қилди. Шунингдек, у – Украинанинг НАТОга аъзо бўлишига қарши ҳамда Дональд Трампни қўллаб-қувватлаётган сиёсатчи. Навроцкийнинг ғалабаси Польшанинг Украинага нисбатан сиёсатида таъсир қўратиши ва Киевга ажратилган ёрдам даражасини камайтириши мумкин.

ЭРОНГА ҚАРШИ ЯНГИ САНКЦИЯЛАРДА ТАНАФФУС

АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти Эронга нисбатан янги санкцияларни жорий этиш жараёнини вақтинча тўхтатди. Бу ҳақда The Wall Street Journal Америка маъмуриятидаги манбаларига таяниб хабар берди.

Нашрнинг ёзишича, ўтган ҳафтада Оқ уй матбуот котиби Кэролайн Ливитт Давлат департаменти, Молия вазирлиги ва Миллий хавфсизлик кенгашига «Эронга қарши янги санкцияларни тайёрлаш бўйича барча фаолиятни тўхтатиш» ҳақида кўрсатма берган. Натижада Техронга нисбатан «максимал босим» кампанияси деярли тўхтатилган.

Сўнгги марта АҚШ Эронга қарши чеклов чораларини 21 май куни жорий этган эди. WSJ маълумотларига кўра, шу вақтдан буён камида иккита санкция-

лар пакети кейинга қолдирилган. Эрон нефтининг экспорти ва музлатилган активларига оид асосий чекловлар хануз амал қилмоқда. Аммо Трамп маъмуриятидагилар орасида танатфуфс муддати ва кўлами бўйича аниқлик йўқлиги билан боғлиқ хавотирлар ортиб бормоқда. Айрим амалдорлар бу кечиктиришни Эроннинг ядровий дастури юзасидан олиб борилаётган нозик музокаралар шароитидаги стратегияни қайта кўриб чиқиш зарурати билан изоҳлашмоқда.

БУОҚ БРИТАНИЯ УЧУН 12 ТА АТОМ СУВОСТИ КЕМАСИ

Британия ҳукумати расмий сайти хабарига кўра, Буюк Британия ҳукумати янги авлодга мансуб 12 та атом сувоости кемаси қуришни режалаштирмоқда.

АҚШ ва Австралия билан ҳамкорликдаги АUKUS ҳарбий альянси доирасида амалга ошириладиган мазукур лойиҳа бўйича қуриладиган SSN-AUKUS туркумидаги янги кемалар ядровий энергия қурилмасига эга бўлади ва оддий қуруллар билан жиҳозланади. Улар 2000 йиллар бошидан флотда хизмат қилиб келатган Astute синфидаги сувоости кемаларини алмаштиради.

Янги авлод кемаларининг илк намуналари 2030 йиллар охиридан бошлаб фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Флот учун ядровий ҳарбий калла-

лар ишлаб чиқариш дастурига қўшимча равишда 15 миллиард доллар маблағ ажратилади. «Бу Британия хавфсизлигини кейинги авлодлар учун кафолатлайди ва бизнинг «Ўзгаришлар режаси»ни ҳаётга татбиқ этади», дейилади ҳукумат баёнотида. Мудофаа соҳасидаги мутахассислар бундай сувоости кемаларини қуриш Россия билан муносабатларда кучаяётган танглик ва қарама-қаршилик фониде тийиб туриш имкониятларини мустақамлаш зарурати билан боғлиқлигини таъкидламоқдалар.

ҲАМАС МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР

Фаластиндаги ҲАМАС ҳаракати Исроил билан Ғазо секторидеги урушни тўхтатиш мақсадида билвосита музокараларга қайтишга тайёр эканини маълум қилди.

«Биз Ғазо бўйича баҳсли масалалар юзасидан келишувга эришиш мақсадида билвосита музокараларга дарҳол қайтишга тайёрлигимизни тасдиқлаймиз», дейилади баёнотда.

ҲАМАС аниқлавади ўт очишни узил-кесил тўхтатиш ҳамда Исроил армиясининг Ғазо ҳудудидан тўлиқ чиқиш кетиши билан боғлиқ икки асосий шартни илгари сурмоқда.

Исроилнинг Ynet порталининг хабар беришича, АҚШ президентининг мах-

си Яман ҳудудидан учирилган яна бир баллистик ракета муваффақиятли уриб туриши билан маълум қилди. Хатар си-реналари мамлакатнинг марказий ҳудудларида, жумладан, Қуддус ҳамда Ғарбий соҳилдаги бир неча шаҳарларда ишга тушган. Аҳолига ракетага таҳдида ҳақида телефон орқали огоҳлантирув юборилган.

ҒАЗОГА ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Исроил мудофаа вазири Исраэль Кац Ғазо секториде ҲАМАСга қарши ҳарбий амалиётни музокараларга қарамасдан давом эттириш бўйруғини берди. Бу ҳақда у X инжтимоий тармоғидаги расмий саҳифасида маълум қилди.

«Мен Исроил мудофаа армиясига ҳар қандай музокараларга қарамасдан, барча нишонларга қарши ҳужумларни давом эттиришни ва ҲАМАС қотилларини йўқ қилиш учун ҳаво, қуруқлик ва денгиздаги барча ҳарбий воситалардан фойдаланишни буюрдим», деб ёзди у. Кацнинг сўзларига кўра, Исроилга қарши қурашаётган жангарилар «тўлиқ жавобгарликка тортилади». Ушбу баёнот ортидан Исроил армия-

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИДАГИ УЛЛИ «ПАРКОВКА»

Улар қонунларимизга қанчалик мос ва улардан тушган маблағлар қаерга сарфланади?

Яқинда пойтахт кўчаларида яна бир янги тартиб кучга киради. Аниқроғи, у кўҳна кентнинг айрим жойларида тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий қилиниб ҳам бўлди. Ҳа, тўғри фаҳмладингиз, гап пулли «парковка»лар ҳақида кетмоқда.

Аслида бу ҳақда 2021 йилда маълум бўлган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг ўшандаги «Тошкент шаҳар транспорти ва йўл-транспорт инфратузилмасини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳасида пойтахтдаги тирбандликларни, марказий кўчаларда транспорт оқимини камайтириш, автомобилларнинг йўл бўйида бетартиб тўхташни тартибга солиш мақсадида ягона автомобиль йўл бўйи пулли тўхташ жойлари тизимини ташкил этиш зарурлиги айтилган.

Шундан сўнг дастлаб 10 та марказий кўчада пулли автомобиль тўхташ жойлари пайдо бўлиши эълон қилинди. Яъни Президентимизнинг тегишли қарори билан 2022 йилда Глинка, Братислава, Миробод, Авлиё ота, Тарас Шевченко, Саид Барака, Моштаб, Фидокор, Содиқ Азимов ва Якуб Колас кўчаларида давлат-хусусий шериклик асосида пулли тўхташ жойлари ташкил этиш белгиланди.

2024 йил 19 январда қабул қилинган «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонунда пулли тўхтаб туриш жойларига доир талаблар қайд этилди. Хусусан, бу турдаги «парковка» эгалари улардан фойдалангани учун тўлов миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган чекланган миқдорлардан юқори бўлмаган тарифлар бўйича мустақил равишда белгилаши айтиб ўтилди.

Бунда тўлов нақд пул шаклида ёки нақд пулсиз, тўлов тизимларидан, шу жумладан, автоматлаштирилган тўлов тизимларидан фойдаланилган ҳолда амалга ошири-

лади. Улар, шунингдек, автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиши, ҳудудда йўл белгилари, видеокузатув тизимлари ёки кўриқлашнинг бошқа техник воситалари ўрнатилиши ва узлуксиз ишлашини таъминлаши, кириш ёки ундан чиқиш жойига тўхташ бўлган тўхтаб туриш жойлари орасидан ногиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган ёки уларни ташийдиган транспортлар учун жойлар ажратилишини таъминлаши шарт.

2024 йилнинг 16 октябрида Тошкент шаҳар ҳокими Шавкат Умурзоқов имзолаган «Тошкент шаҳрида транспорт воситаларининг пулли тўхтаб туриш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда нархлар 5 та тариф зонасига бўлиниб, бир соат учун 5 мингдан 12 минг сўмгача этиб белгиланди.

Хуллас, мақсад хайрли — пойтахтдаги тирбандликларни, марказий кўчаларда транспорт оқимини камайтириш, автомобилларнинг йўл бўйида бетартиб тўхташни тартибга солиш. Тегишли ҳужжатларда ҳаммаси жойида ва батартиб. Режалар мутасаддиларнинг кўнглидагидек. Амалда эса... Бу кўпроқ кимлардир ҳаводан пул қилиши учун йўлга тушган усулга ўхшайпти. Иддаомизни куйидагича изоҳласак:

Биринчидан, «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги қонунда бу турдаги «парковка»ларда автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш, ҳудудда йўл белгилари, видеокузатув тизимлари ёки кўриқлашнинг бошқа техник воситалари ўрнатилиши ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, кириш ёки ундан чиқиш жойига тўхташ бўлган тўхтаб туриш жойлари орасидан ногиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган ёки уларни ташийдиган транспортлар учун жойлар ажратиш каби мажбуриятлар бор.

Аммо Шавкат Умурзоқов имзолаган ва

юқорида тилга олинган қарорда бу ҳақда гап йўқ. Аксинча, ҳужжатдан шундай хулосага келиш мумкинки, паркинг транспорт воситаларини сақлаш учун мўлжалланмаган. Агар транспорт воситасини кимдир олиб қочса ёки ташқи омиллар таъсирида унга шикаст етса, жавобгарлик автомобиль эгалари зиммасида қолади.

Бундан англашиладики, ҳокимнинг қарори қонундаги мажбуриятларни ўзидан соқит қилмапти. Демак, халқнинг солиқлари эвазига қурилган, таъмирланган тайёр жойда, ҳеч қандай харажатларсиз «парковка» қилиш айна адолатсизликнинг ўзи. Чунки гўёки янги йўллар қуриш, қайта таъмирлаш каби важлар билан йўл жамғармасига биз ёнилги, мой сотиб олганда ёки машина сотганда тўлайдиган солиқлардан маълум фоиз ушлаб қолинади. Яъни кайсидир «тадбиркор» «парковка» қилган жой пулини ҳайдоқчилар шундоқ ҳам олдиндан тўлаб қўйяпти. Демак, кўчаларда ҳеч қандай харажатсиз бу тахлит «парковка» қилиш, шунчаки тайёрга айёр бўлиш билан баробар эмасми?

Иккинчидан, 50 дан ортиқ кўчадаги 86 та участкада пулли «парковка» қилиш бўйича дастлабки аукцион ғолиби «Valcomuz» билан номаълум сабабларга кўра, шартнома имзоланмаган. Мабодро, у шартнома қилишни истамаган бўлса, нима учун захира ғолиб билан шартнома тузилмаган? Аксинча, аукционда иштирок этмаган (балки, этгандир, аммо бу ҳақда ҳеч қандай хабар йўқ), шунчаки ғолиб бўлиш учун ўша куннинг ўзида ташкил этилган «Streetpark Systems» билан келишувга эришилгани (у аёвалли ғолиб таклиф этган сўммадан 2 қарра камроқ (62,9 миллиард сўм)ни масъуллар қандай изоҳлашади?)

Учинчидан, нархлар нима учун қиммат? Буни давлат ишчисини мисолида кўриб чиқайлик. У ишга машинада қатнаса, биринчи таъриф бўйича машинаси пулли автотурагоҳда саккиз соат турди дейлик. Бу 96 минг

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА!



нинг пулли тўхташ жойлардан тушган маблағлари биринчи навбатда, бюджетга, шунингдек, парклар ва хиёбонларни сақлаб туришга, пиёдалар инфратузилмасини яратишга сарфланишига нима дейсиз? Хўш, биздаги пулли «парковка»дан тушадиган маблағлар нималарга сарфланади?

Хуллас, йўқ жойдан аукцион ғолиби бўлган хусусий оператор (ҳам «парковка» участкалари, ҳам дастур таъминоти шуларда) ва ҳокимият ўртасида «парковка» тушумлари қандай тақсимланиши бўйича шартнома шартлари жамоатчиликка очиклигини керак. Зотан, пуллар қаерга кетаётганини ва нималарга сарфланаётганини билишга халқнинг тўла ҳақи, ҳуқуқи бор. Пойтахт масъулларидан ушбу масалага асосли жавоб кутиб қоламиз!

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ҳафталик тадбирлар ўтказилди. Улардан бири тармоқ тизимидаги «Навоийазот» АЖ тасарруфидаги «Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва корхоналарда ташкил этилди.

«Яшил макон» умумийлик лойиҳаси доирасида ҳамда Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили давлат дастурини белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши аппарати ходимлари ҳамда жамият мутахассислари «Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дархат кучатлари ўтказилди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори

остида турли миллат урф-одатларини ўзида акс эттирган «Миллий қадриятлар» кўрик-танлови, «Заковат» интеллектуал уйини ва «Миллий ош» танлови ўтказилди. «Заковат» интеллектуал турнирида жамият мутахассисларидан иборат 5 та жамоа беллашди. Кимёгарлар 5 та қозонда ош тайёрладилар.

Тадбирлар якунида фаол иштирокчилар ва оромгоҳ жамоасига бир қатор номинациялар бўйича совғалар топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган тадбирлар давом этмоқда.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Ҳабиба Охунова ижросида
«Найнинг навоси»
қўшиғи

Найнинг навосига жоним тасаддуқ,
Жоним надур, балки жаҳон тасаддуқ,
Ишқнинг таронасин куйласа мағрур,
Шайдо бу кўнгил чунон тасаддуқ.

ЭЪЛОНЛАР

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорлари диққатига!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2025 йил 26 июнь кунини, соат 17:00 дан бошлаб, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

- «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгашининг 2025 йил 30 майдаги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2025 йил 20 июнь кунини ҳолатига ҳамда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2025 йил 30 май кунини ҳолатига тузилди.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2025 йил 26 июнь кунини соат 16:00 дан 17:00 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонунчиликда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида видеоконференц-алоқа тарзида иштирок этувчи акциядорларга бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Тел: 998 (71) 202-99-99 (1217, 1218).

Банк Кузатув кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Тошкент шаҳар маданият бошқармаси тасарруфидаги Сергели тумани 21-сонли болалар музика ва сазна мактабининг (СТИП: 201789508) герби муҳри йўқолгани маълум қилинади.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENIYEV (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-82-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Abdunabi HAYDAROV

Musahhihlar:

Dilorom XUDYOBERGANOVA, Umida XUDYOBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 00:10
Topshirishi – 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch.1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 132 408 ta

Shundan: 6 187 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 306 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-611**
1 2 3 4 5 6